

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Комиссия раиси -

Ўздавзахира раиси ўринбосари

Максудов О.Ш

2024 йил «14» февраль



**Музлатилган мол гўшти (ярим тана ва чорак таналарда) маҳсулотига
техник топшириқ (1-лот учун)**

Маҳсулотларни етказиб бериш бўйича таклифлар лотнинг бутун ҳажмига 3 000,0 тонна миқдорида тақдим этилади.

Маҳсулотни харид қилиш мақсади: Ўзбекистон Республикаси давлат захираларини шакллантириш.

Маҳсулотни харид қилиш асоси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 январдаги топшириғи ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2024 йил 12 январдаги буйруқ.

Лот рақами	Маҳсулот номлари	Миқдори тоннада
1.	Супер, прима, экстра, отличная тоифали музлатилган мол гўшти, ярим тана ва чорак таналарда, ГОСТ 34120-2017, “Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавсизлиги тўғрисида умумий техник регламент” (22.01.2018 йилдаги 36-сонли ВМК).	1 000,0

Етказиб бериш ва Қабул қилиш жадвали

Шартномани бажариш жадвалига қуйидаги тадбирлар киритилиши керак:

Супер, прима, экстра, отличная тоифали музлатилган мол гўшти, ярим тана ва чорак таналарда, ГОСТ 34120-2017, “Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавсизлиги тўғрисида умумий техник регламент” (22.01.2018 йилдаги 36-сонли ВМК)	етказиб бериш муддати «буюртмачи» биринчи олдиндан тўловни амалга оширгандан кейин 90 кундан кечиктирмай. Жами (1-лот учун): 1 000,0 тонна.		
	Биринчи ой	Иккинчи ой	Учинчи ой
1. “Илғор” ДК: 110302, Самарқанд вил., Жума ш., Тинчлик кўчаси 54, Жума темир йўл станцияси, Станция коди 728106.	333,0 тонна	333,0 тонна	334,0 тонна

Маҳаллий етказиб берувчилар учун товарларни етказиб бериш барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилувчининг омборига етказиб берилиши керак, суғурта талаб этилмайди:

Юк қабул қилувчи: “Илғор” ДМ: 140502, Самарқанд вил., Жума ш., Тинчлик кўчаси 54, Жума темир йўл станцияси, Станция коди 728106.

Хорижий иштирокчилар учун – Хорижий етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар) томонидан етказиб бериладаган товралар нархлари INCOTERMS -2020 бўйича CIP – Самарқанд (Жума темир йўл станцияси) шартларига асосланиши керак).

Маҳсулотни етказиб бериш санаси, Буюртмачининг омборида қабул қилиш далолатномасининг расмийлаштирилган санаси ҳисобланади.

Маҳсулотни етказиб бериш учун транспорт ва бошқа харажатлар етказиб берувчи томонидан тўланади.

Агар тўлов Шартнома қоидаларига мувофиқ тўланмаган бўлса, етказиб берувчи жадвалда кўрсатилган муддатларни узайтиришни сўраши мумкин.

Шартнома бўйича барча мажбуриятлар бажарилгандан сўнг, ҳисоб-китобларни якуний қабул қилиш ва солиштириш далолатномаси имзоланиши керак.

Хорижий таъминотчиларнинг нарх таклифларини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юзага келадиган барча харажатлар (божхона харажатлари, маҳсулотларни сертификатлаштириш харажатлари, ҚҚС ва бошқалар) таклиф қилинган нархга қўшилади.

Техник шартлар Умумий

ОГОҲЛАНТИРИШ – Мол гўштидан ташқари (Буйвол ёки бошқа) хайвонлар гўшини етказиб бериш ҚАТИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ. Етказиб бериладиган товарлар сифати мувофиқлиги ваколатли органларда тўлиқ экспертизадан ўтказилади - ГОСТ 34120-2017, “Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавсизлиги тўғриси”да умумий техник регламент (22.01.2018 йилдаги 36-сонли ВМҚ).

Агар етказиб бериладиган Маҳсулотларда маълум бир стандартлар талабларига жавоб берилиши ҳавола қилинса, уларнинг сўнгги нашрлари ёки тузатишлари қўлланилади.

Буюртмачи маҳсулотни сотиб олиш ҳажмини камайтириш ва етказиб бериш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга.

Тақдим этилган маҳсулот “Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламент (22.01.2018 йилдаги 36-сонли ВМҚ), ГОСТ 34120-2017 ҳамда “Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 24.07.2013й. N 2488) талабларига жавоб бериши керак.

Сақлаш талаблари


Музлатилган гўштни сақлаш хоналаридаги ҳавонинг ҳарорати минус 25 °С даражада бўлиши, паспорт ҳарорати эса минус 18 °С ни ташкил этиши лозим.

Музлатилган гўштлар сақланадиган музлатиш хонасидаги ҳавонинг нисбий намлиги 95-98 фоизда, муз панжаралари билан жиҳозланган хоналарда эса 100 фоиз атрофида ушлаб турилиши лозим.

Етказиб бериладиган товарлар янги ишлаб чиқарилган бўлиши керак, ишлаб чиқариш муддати етказиб бериш кунда 2 ойдан ошмаслиги ва узоқ муддатли сақлаш талабларига жавоб бериши керак: минус 18°С ҳароратда сақлаш муддати камида 12 ой, минус 20°С ҳароратда сақлаш муддати камида 14 ой ҳамда минус 25°С ҳароратда сақлаш муддати камида 18 ой бўлиши керак.

Хавфсизлик талаблари

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари хавсизлиги тўғрисида умумий техник регламент (22.01.2018 йилдаги 36-сонли ВМҚ) ва Ўзбекистон Республикаси СанПин 0283-10 “Озиқ-овқат маҳсулотларига гигиеник талаблар”га мувофиқ.



Техник талаблар

Етказиб бериладиган маҳсулотлар ГОСТ 34120-2017 ҳамда санитар қоидалар талаблариги риюя этилган ҳолда ишлаб чиқарилган, ярим тана ва чорак таналарда, музлатилган, супер, прима, экстра, отличная тоифадаги мол гўшти бўлиши ва қуйидаги кўсаткичларга жавоб бериши керак:

- қуйидаги тоифадаги ёш қорамоллардан мол гўштига рухсат берилади: ГОСТ 34120-2017 бўйича супер, прима, экстра, отличная тоифасига мос келадиган мол гўшти.

- қорамолнинг ёши - 4 ёшдан ошмаган бўлиши керак;

- ёш йирик шохли қорамолларнинг мол гўшти ГОСТ 34120-2017 бўйича **А (супер, прима), Б (экстра), Г (отличная) талабларига жавоб бериши шарт.**

- тана гўшти умуртқа поғонаси бўйлаб ярим тана гўштига бўлиниши керак, ярим тана гўштида бутун умуртқаларни қолдирмасдан ва уларни майдаламасдан ёки чоракларга бўлиниши керак, умуртқа поғонаси бутун умуртқаларни қолдирмасдан ва уларни майдаламасдан тенг равишда бўлиниши керак;

- ярим тана гўшти ва/ёки компенсация қилинган чораклар умуртқа поғонаси бўйлаб нотўғри бўлинган ва бутун умуртқали таналарни қабул қилишга рухсат берилмайди;

- гўшт янги, бегона ҳидсиз ва шилимшиқликларсиз бўлиши керак;

- ярим тана гўшти ва/ёки компенсацияланган чоракларнинг юзаси оч қизилдан тўқ қизилгача (мол гўшти), оч пуштидан пушти ранггача (бузоқ), ёғ оқ, сарғиш ёки сариқ рангга эга;

- усти тоза, кирларсиз, қонсиз ва кўкаришларсиз. Ички органлар, илик, тери, қон қуйқалари, ёғ тўқималарининг қолдиқлари мавжудлигига йўл қўйилмайди. Музлатилган мол гўштида муз ва қор мавжудлигига йўл қўйилмайди.

- ярим тана гўшти ва / ёки компенсацияланган чоракларда ички органларнинг қолдиқлари, тери, қон қуйқалари, мушак ва ёғ тўқималарининг чеккалари, кўкаришлар, қон мавжудлигига йўл қўйилмайди;

- мол гўшти ишлаб чиқариш учун қорамоллар, ишлаб чиқарилган мамлакатнинг ветеринария, агрономик ва зоогигиеник талабларига мувофиқ ихтисослаштирилган ёки яқка тартибдаги фермер хўжаликларида етиштирилади ва боқилади.

- барча сўйиш учун мўлжалланаган қорамол ишлаб чиқарилган давлатининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ветеринария-санитария экспертизасидан ўтиши керак;

Музлатилган гўшт Юк қабул қилувчининг музлатиш хонасига жойлаштириш вақтидаги мушаклар қатламидаги ҳарорати минус 8 °С дан юқори бўлмаслиги лозим.

Қуйидагилар рухсат берилмайди:

- ориқ гўшт;

- ярим тана гўшти ва/ёки компенсация қилинган чорак юзасининг 15% дан ошаган қисмида тери ости ёғларнинг узулиши, шунингдек умуртқа поғонаси бўйлаб нотўғри бўлиниш билан (бутун умуртқаларни қолдириб);

- бир мартадан ортиқ музлатилган гўшт;

- гўшт янги, лекин бўйин соҳасида ранги ўзгарган (қорайган).

- жўнатилишидан бир ярим ой олдин ишлаб чиқарилган гўшт.

Товарларнинг келиб чиқиши.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланмаган давлатлардан.

Ветеринария назорати.

Товарлар Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг ёзма рухсати билан етказиб берилади (хорижий етказиб берувчилар учун).

Товарларни сифат ва миқдор жиҳатидан етказиб бериш ва қабул қилиш.

Етказиб берилган товарларнинг ҳар бир партияси учун қуйидагилар илова қилиниши керак:

- ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи сифат гувоҳномаси (сертификати);
- ваколатли орган томонидан берилган санитария-эпидемиология хулосаси;
- ваколатли орган томонидан берилган ветеринария серификати;
- ваколатли орган томонидан берилган мувофиқлик сертификати;
- ваколатли орган томонидан берилган “Ҳалол” сертификати.

Етказиб берувчи товарларни ташиш пайтида тегишли стандартлар ва ҳарорат бўйича меъерларга мувофиқ ихтисослаштирилган рефрежераторлик транспортда етказиб беради.

Маҳсулотни сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш

Музлатилган мол гўшти сифати бўйича қабул қилиш имзоланган шартномалар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва “Биринчи гуруҳга музлатилган гўшт етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги”ги Йўриқномага (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 24.07.2013й. N 2488) мувофиқ амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида маҳсулотни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш, Буюртмачини омборида етказиб берувчининг вакили иштирокида, ишлаб чиқарувчи заводнинг сифат гувоҳномаси, мувофиқлик сертификати, санитария-эпидемиология хулосаси, синов баённомаси, “Ҳалол” сертификати, ҳисоб-фактура ва бошқалар асосида амалга оширилади.

Функционал кафолат

Функционал кафолат муддати давомида – (18 ой), қабул қилинган даврда топилмайдиган ишлаб чиқариш нуқсонлари аниқланган тақдирда, Буюртмачи ушбу кафолат доирасида юзага келган ҳар қандай даъволар тўғрисида дарҳол Етказиб берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Етказиб берувчи, Буюртмачининг функционал кафолат бўйича даъволар тўғрисида ёзма хабарномани олганидан сўнг, 30 (ўттиз) кун ичида, Буюртмачига нуқсонли маҳсулотни ёки унинг бир қисмини ҳеч қандай харажатсиз алмаштириши шарт.